



Шубҳасиз, иймон ҳар бирингиз қалбида худди кийим эскиргани каби эскиради. Аллоҳдан қалбларингиздаги иймонни янгилаб туришини сўранглар!", - дедилар

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Шубҳасиз, иймон ҳар бирингиз қалбида худди кийим эскиргани каби эскиради. Аллоҳдан қалбларингиздаги иймонни янгилаб туришини сўранглар!", - дедилар.

[Sahih/Authentic.] [Al-Haakim]

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, янги кийилган кийим узок кийиш сабабли эскиргани каби иймон ҳам мўъминнинг қалбида эскириб, кучсиз бўлиб қолишидан хабар бермоқдалар. Ибодатдаги дангасалик ёки гуноҳларни қилиш ёхуд ҳою ҳавасларга муккасидан кетиш иймоннинг заифлашишининг сабабидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам фарз ибодатларни қилиш ҳамда кўп зикр ва истиффорларни айтиш билан иймонимизни янгилашни Аллоҳ таолодан сўраш йўлини ўргатдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65020>

